

УДК: 336.5:334.75(575.1)

DOI: 10.56937/v7i9a4

*Норов Акмал Рузидаматович*

Тошкент давлат иқтисодий университетининг доценти., и.ф.д., (DSc)

Email: [a.norov@tsue.uz](mailto:a.norov@tsue.uz)

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ТАЪМИНОТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАРИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

***Аннотация:** Мақолада мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш амалиётидаги муаммоли кредитларнинг амалий ҳолати таҳлил этилган. Тижорат банкларида кредит рисклари бўйича эҳтимолий йўқотишларни олдини олиш мақсадида ҳар бир потенциал мижоз таъминотини такомиллаштириш механизмлари орқали муаммоли кредитларни камайтириш йўллари таклиф этилган.*

***Калит сўзлар:** Муаммоли кредитлар, гаров мулки, баҳолаш тамойиллари, бозор баҳоси, кредит rischi, кредит сийсати, кредитор, қарздор, кредит таъминоти, диверсификация, тижорат банк.*

### **Кириш**

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар кредитлаш амалиётини янада содалаштириш, уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва фоиз ставкаларини оптималлаштириш, Ўзбекистонда “Харакатлар стратегияси”га мувофиқ мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланишда банклар ўрни ва иштирокини фаоллаштириш, муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилиши ўз навбатида, соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

Банк кредитлари қарз олувчиларни ташқи молиялаштиришда муҳим рол ўйнайди (Yang, 2014). Сўнгги йилларда кредитлаш фаол ривожланаётган бир пайтда, кредитлар ва улар бўйича фоизларнинг тижорат банкларига ўз вақтида қайтиб келиши жуда муҳим ҳисобланади. Ўз вақтида қайтарилмаган кредит тизимли кредит рискини келтириб чиқаради. Банк берган кредит муаммоли кредитга ўтади, бу ўз навбатида банк ликвидлигига, даромадлигига, банк ресурсларига таъсир кўрсатади. Муаммоли кредитларни камайтириш сўнгги чораларидан бири олинган кафолатлар ва кафиликлар бўйича тўловларни ундириш, гаровга олинган мол-мулкни сотиш ҳисобига уларни қоплаш ҳисобланади.

Йилдан-йилга республикаимиз банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳажмининг ошиши, банк активларининг асосий қисмини банк кредитлари ташкил этганлиги боис банклар кредит портфелида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли бўлмоқда. Бу муаммоларни бартараф этишда банк таваккалчиликларини бошқаришда чуқур омилли таҳлилни амалга оширишнинг аниқ механизмни жорий қилиш, захираларни шакллантириш, кредит портфелини диверсификациялашни кўзда тутган ҳолда банклар активлари сифати мониторингини такомиллаштириш, шунингдек муаммоли қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан кредит таъминотини ҳар бир мижоз бўйича

табақалашган ёндашувини қўллаш механизмлари орқали аниқ чоралар кўришни тақозо қилмоқда.

Тижорат банклари жалб қилган маблағларининг асосий қисмини кредит бериш сифатида фойдаланар экан, бунда фақатгина даромад олиш учун эмас, балки маблағларни кредит олувчидан тўлиқ қайтариб олиш масаласини олдиндан белгилаб олиши зарур. Чунки, банк сармоя эгаси сифатида сармояни эмас, балки сармоядан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир шарт ва устама фоизлар асосида маълум муддатга сотади.

Айни пайтда мамлакатимизда ҳам илмий-назарий ҳамда амалиётчи олимлар томонидан “муаммоли кредит” тушунчаси аввалгига нисбатан анча кўпроқ баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта, бежизга эмас, чунки бугунги кунда республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши, уни камайтириш чоралари кўрилишига қарамасдан анчагина юқори фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда кўпгина давлатлар банк тизимида умидсиз қарзларнинг кўпайиши муаммосига дуч келаётганлиги туфайли банкларнинг муаммоли кредитлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари долзарблиги ҳозиргача муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун кредиторлар билан бир қаторда мижозлар томонидан кредитни қайтариш бўйича ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили**

Ижтимоий жамиятда товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши кредитлаш амалиёти шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. Зеро, товар пул муносабатлари амал қилган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда кредитни вужудга келиши ва кредитлаш муносабатларини амал қилишини ҳамда бу жараён муттасил ривожланиб боришини тақозо этади. Бироқ, сўнгги йилларда кредит ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш, шунингдек кредит таъминоти билан боғлиқ қатор муаммолар пайдо бўлмоқда.

Илмий адабиётларда муаммоли кредитлар бўйича турли хилма-хил таърифлар берилган. Айрим адабиётларда, муаммоли кредит деганда объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит тушунилса (Лаврушин, 2002), айрим адабиётларда муаммоли кредитлар деганда, “қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширмаганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади” (Роуз, 1997) дея таъриф берилган.

Маҳаллий олимларимизнинг ёндашувига кўра, субстандарт кредитлар ҳам ўз вақтида қайтарилмаганлиги туфайли муаммо келтирувчи кредитлар сифатида таҳлил қилиниши мумкин (Абдуллаева, 2002).

Маҳаллий олимларимиз эса муаммоли кредитларга қуйидагича таъриф беради: кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижаси бўлиб, объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида “субстандарт”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” кредитлар категориясига ўтиб қолган кредитларга муаммоли кредитлар дейилади (Тухтабаев, 2006).

Ушбу охириги таъриф муаммоли кредитларга берилган таърифларнинг ичида тўлиқроқ талқин этилган дейишимиз мумкин. Чунки бунда муаммоли кредитларни юзага чиқишига сабаб бўладиган кредит рисклари билан боғланган ҳамда кредит категориялари ажратиб кўрсатилган. Аммо ҳозирги пайтда мазкур таъриф ўз моҳиятини йўқотди, деб ўйлаймиз. Сабаби Ўзбекистон Республикаси Марказий

банкининг 2015 йил 14 июлдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2696-сонли Низоми қабул қилинганидан сўнг, кредитларнинг таснифланишида ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, “яхши” деб таснифланган кредитлар тоифаси олиб ташланди ва унинг ўрнига “стандарт” кредитлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари “қониқарсиз” деган кредитлар тоифаси киритилди.

Гаров воситаларидан фойдаланиш қарз берувчи ва қарз олувчи муносабатларига янги хавотирларни туғдирди, уларнинг дефолт рискига якуний таъсири аниқ белгиланмаганлигидир (José, 2018). Агар банкдан кредит олган мижоз кредитни ўз вақтида қайтара олмаса гаровга қўйган таъминотдан маҳрум бўлиши мумкин, ўз навбатида тижорат банклари учун кредит rischi ошиб кетади.

Банк томонидан берилган кредит рискининг хавфсиз даражасини таъминлаш мақсадида кредит олувчи жисмоний ёки юридик шахс турли шаклдаги мол-мулкларни гаров таъминоти сифатида банкларга тақдим этади. Умумий ҳолда банк кредити бўйича гаров таъминотини баҳолаш жараёнида учта томон иштирок этади ва улар банк, баҳоловчи ташкилотлари ва кредит олувчилардир (Абдиқаримова, 2018). Бу жараёнда гаров таъминоти асосан дастлаб кредит бериш жараёнида қараб чиқилади.

Жумладан, хорижий олимлар фикрича, қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширмаганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади (Роуз, 1997). Айрим Ғарб мамлакатлари иқтисодчиларининг таърифлашига кўра кредит бўйича тўловларнинг график бўйича 90 кундан ортиқ кечикиши ёки кредит шартномаси шартларининг бузилиши кредитни муаммоли эканлигидан далолат беради (Fraser, 1995).

Россия адабиётларида айрим муаллифларнинг таъкидлашича, муаммоли кредит деганда объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит тушунилади (Лаврушина, 2002). Уларнинг қарашларича, ностандарт, даргумон ва ишончсиз кредитларни, яъни муддати ўтмаган жорий кредитлардан ташқари барча кредитлар, шу жумладан асосий тўлов ҳамда кредит фоизлари бўйича қисқа муддатли бўлса ҳам қарздорликка эга бўлган, шунингдек, кредит шартномаси шартларини ўзгартирмасдан ҳеч бўлмаса бир маротаба қайта расмийлаштирилган кредитлар муаммоли деб тушунилади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектларининг молиявий муаммоларини тижорат банклари кредитлари орқали бартараф этишнинг қуйидаги ижобий натижалари жумладан, мамлакат ЯИМ ҳажми ошиши, аҳоли даромадлари кўпайиши ва аҳоли бандлиги даражаси ошишига ижобий таъсир этиши аниқланди. Бунинг учун давлат статистика қўмитасининг охириги 10 йиллик маълумотларидан фойдаланиб, мамлакатда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида банд бўлган аҳоли сони ва тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига айнан тадбиркорлик субъектлари улушига ўзаро боғлиқлигининг корреляцион-регрессион таҳлиллари амалга оширилди.

Танланма корреляция коэффициентига кўра, тадбиркорлик субъектининг ЯИМдаги салмоғига мазкур соҳада банд бўлганлар сонининг таъсирчанлиги юқори бўлиб,  $R=0,9597$  га тенглиги ҳамда тадбиркорлик субъектининг ЯИМдаги салмоғига

тадбиркорлик субъектларига ажратилган банк кредитларининг таъсирчанлиги ҳам юқори яъни  $R=0,7686$  га тенглиги аниқланди.

Регрессион таҳлиллардан қуйидаги хулосаларни келтириб ўтиш мумкин: фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларида иш билан банд бўлганлар сонининг 1 фоиз пунктга оширилиши ЯИМ даги тадбиркорлик субъектлари салмоғининг 8.056 фоизга ошишига олиб келади.

Мақолада илмий мушоҳада, гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, статистик гуруҳлаш усулларидадан фойдаланилди. Шунингдек, иқтисодчи олимларнинг кредит таъминоти ва уни ҳисобга олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Банклар бошқа кредиторларга нисбатан рискни чеклашга кўпроқ ҳаракат қилиши зарур. Чунки улар ўз маблағларидан эмас, балки ўз кредиторларининг, яъни омонатчилари ва бошқа манфаатдор томонларнинг маблағлари ҳисобидан кредит ажратади. Шунинг учун банк ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ижро этиши рискни қанчалик даражада муваффақиятли баҳолашга боғлиқ бўлади. Бошқа айрим иқтисодчилар эса, “кредитлаш фаолияти кредит rischi мавжуд бўлишининг ягона шакли эмас”, деган фикрни билдиришади. Бундай фикрдаги, кредит rischi қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда, банк томонидан кафиллик берилганда ҳам намоён бўлади.

Умуман, муаммоли кредитларнинг келиб чиқиши фақатгина кредит рискига боғлиқ бўлмайди. Зеро, валюта rischi, бозор rischi, фоиз ставкаларининг ўзгариши rischi ва бошқа қатор рискларининг мавжудлиги ҳамда уларни тўғри баҳолай олмаслик муаммоли кредитларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Муаммоли кредитларнинг иқтисодий мазмунини тадқиқ этишда рискларнинг ўрни ва таъсири асос сифатида иштирок этади.


Мамлакатимиз банк тизимининг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бирок, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли бўлмоқда.

Мамлакатимиз банк тизимининг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашда банкларнинг фаол иштирок этиши билан боғлиқдир. Бирок, мамлакатимиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини олиб боришда бир қанча қийинчилик ва муаммоларга дуч келмоқда. Айниқса, бугунги кунда тижорат банкларини даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини ташкил этувчи кредитлар орасида муаммоли кредитларнинг мавжудлиги сезиларли бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 2696-сонли Низомига муаммоли кредит деганда сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлар тушунилади.

2021 йил ҳолатига муаммоли кредитлар қолдиғи 17,0 трлн.сўмга яқинлашди, бу жами кредит қўйилмаларининг 5,2 фоизини ташкил қилмоқда. Шунингдек, 2016-2021 йилларда ушбу кўрсаткичда ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин. Муаммоли кредитларни бартараф этиш учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш муҳимдир. Тижорат банклари кредит портфели таркибида, муаммоли кредитлар

фоизи 2013 йилдан 2020 йилга қадар 0,54 фоизгача камайганлиги ижобий ҳолат, аммо 2021 йилга келиб, 5,2 фоизни ташкил қилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки маълумотларини таҳлил қилинса, жами кредитлар таркибида муаммоли кредитлар улуши Украинада 50 фоиздан, Грецияда 40 фоиздан, Молдовада 18 фоиздан ҳамда Россия Федерациясида 8 фоиздан ортиқ қисмини ташкил қилади<sup>1</sup>. Ўзбекистон банк тизимидаги муаммоли кредитлар жаҳон амалиётида қабул қилинган критик 3 фоизли кўрсаткичдан кўп, шу сабабли бугунги кунда муаммоли кредитларни камайтириш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиши керак (1-расм).



**1-расм. Республика банк тизимида муаммоли кредитларнинг ўзгариш динамикаси<sup>2</sup>.**

Мамлакатимизда муаммоли кредитларнинг асосий қисми, яъни 8,441 трлн сўми ёки 83 фоизи давлат улуши мавжуд тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Таҳлилларга кўра, Ўзмиллийбанк (1,9 трлн сўм), Ўзсаноатқурилишбанк (1,7 трлн сўм), Асака банк (1,6 трлн сўм) ва Ипотека банк (1,1 трлн сўм)лар етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Нi-Tech банкнинг жами кредитлари 160 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда муаммоли кедитлар (NPL)нинг ҳажми 118 млрд. сўм ёки 92,7 фоизни ташкил этмоқда. Туркистон банкда эса жами кредит портфели 686 млрд. сўм бўлиб, шундан 480 млрд. сўми ёки 69,9 фоизи муаммоли кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда (1-жадвал).

<sup>1</sup> World Bank Group. <https://data.worldbank.org/indicator/fb.ast.nper.zs>

<sup>2</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2022  
йил 1 январь ҳолатига маълумот, млрд сўм<sup>1</sup>

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредит-ларнинг жами кредитлардаги улуши
<b>Жами</b>		<b>326 386</b>	<b>16 974</b>	<b>5,2%</b>
<b>Давлат улуши мавжуд банклар</b>		<b>280 074</b>	<b>15 069</b>	<b>5,4%</b>
1	Ўзмилийбанк	74 033	3 305	4,5%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	43 148	1 630	3,8%
3	Асака банк	37 685	1 819	4,8%
4	Агробанк	32 258	1 495	4,6%
5	Ипотека банк	29 046	972	3,3%
6	Халқ банки	19 596	3 857	19,7%
7	Қишлоқ қурилиш банк	17 496	749	4,3%
8	Микрокредитбанк	10 816	642	5,9%
9	Турон банк	8 129	266	3,3%
10	Алоқа банк	7 754	314	4,1%
11	Пойтахт банк	80	2	2,2%
12	Ўзагроэкспортбанк	30	17	55,5%
<b>Бошқа банклар</b>		<b>46 312</b>	<b>1 905</b>	<b>4,1%</b>
13	Ҳамкор банк	9 334	105	1,1%
14	Ипак йўли банк	6 422	223	3,5%
15	Капитал банк	8 030	235	2,9%
16	Ориент Финанс банк	3 627	29	0,8%
17	Инвест Финанс банк	3 774	57	1,5%
18	Траст банк	2 744	51	1,8%
19	Давр банк	2 157	22	1,0%
20	Тенге банк	1 725	121	7,0%
21	ЎзКДБ банк	1 557	0	0,0%
22	Савдогар банк	859	90	10,5%
23	Универсал банк	767	6	0,8%
24	Туркистон банк	686	480	69,9%
25	Зираат банк	858	21	2,5%
26	Равнақ банк	567	132	23,2%
27	Хай-Тек банк	160	118	92,7%
28	Мадад инвест банк	169	20	11,8%
29	Анор банк	612	6	0,9%
30	Тибиси банк	345	17	4,8%
31	Эрон Содерот банк	14	0,1	0,6%
32	Азия Алянс банк	1 903	144	7,6%
33	Апелсин банк	0,0	0,0	0,0%

<sup>1</sup> Манба: <https://cbu.uz/> - Ўзбекистон республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

Фикримизча, тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётидаги долзарб муаммолардан яна бири сифатида бу — тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари тадбиркорлик субъектлари учун юқори эканлигидир. 2020 йилда тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 22,3 фоизни ташкил этди. Бу эса, сезиларли даражада юқори бўлган фоиз ставкаси ҳисобланади. Масалан, 2020 йилда миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси Россия Федерациясида 6,8 фоиз, Қозоғистон Республикасида 11,8 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан миллий валютада ажратилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлигига асосий икки сабабни кўрсатишимиз мумкин улар, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг юқорилиги ҳамда тижорат банклари томонидан жалб қилинаётган ресурсларнинг қиммат эканлигидир.

Мазкур муаммоли кредитларнинг асосий қисми, яъни 8,441 трлн сўми ёки 83 фоизи давлат улуши мавжуд тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бунда Ўзмилийбанк (1,9 трлн сўм), Ўзсаноатқурилишбанк (1,7 трлн сўм), Асака банк (1,6 трлн сўм) ва Ипотека банк (1,1 трлн сўм)лар етакчилик қилмоқда. Шунингдек, Hi-Tech банкнинг жами кредитлари 201 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда муаммоли кредитлар (NPL)нинг ҳажми 179 млрд. сўм ёки 89,4 фоизни ташкил этмоқда. Туркистон банкда эса жами кредит портфели 703 млрд. сўм бўлиб, шундан 610 млрд. сўми ёки 86,7 фоизи муаммоли кредитлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур муаммони ҳал қилишнинг энг асосий йўли давлат улуши мавжуд тижорат банкларини трансформация қилиш ҳисобланади. Шу муносабат билан Президентимизнинг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тўғрисида Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон ижроси доирасида Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки халқаро молия ташкилотлари ҳамда “PWC”, “KPMG”, “Deloitte” ва “McKinsey & company” каби халқаро консалтинг компаниялари банкларни трансформация қилиш жараёнларига жалб этилди ва бу борада фаол ишлар олиб борилмоқда.

Одатда, соғлом банк тизимининг зарур шarti кредит рискин ишончли бошқариш тизими ҳисобланади. Чунки банк кредит риски кўп сонли қарздорлар орасида тақсимланиши керак. Айниқса, иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш даврида кредит портфелини диверсификация қилиш масаласини ҳал этиш ўта зарурдир.

Гаров таъминоти муаммоли кредитни қоплашнинг сўнгги чораси сифатида қаралганда, ундан фойдаланиб муаммоли кредит, ўз вақтида тўланмаган кредит бўйича ҳисобланган фоиз суммаси ундирилади. Ҳозирги кунда тижорат банклари муаммоли кредитни қоплашни таъминот турига қаратганда судга мурожат қилади. Суд қарорига асосан гаров таъминотидан фойдаланилади. Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин. Суд қарорига асосан кредит гаров таъминоти ҳисобидан қопланиши белгиланса, электрон онлайн-аукцион шаклидаги очик кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

<sup>1</sup> 2021 йил 6 ноябрь куни янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи.

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, банкда берилган кредит ва лизинг бўйича таъминот турлари бўйича гаров таъминоти таркибида Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолати, кўчмас мулк ва учинчи шахс кафиллиги каби таъминот турларининг улуши катта. Банкда гаров таъминоти сифатида облигациялар, учинчи шахс кафолатидан умуман фойдаланилмаган.

Муаммоли кредитларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Жаҳон банки маълумотларига кўра, банкларнинг муаммоли кредитларини юзага келишида ички омиллар 67 фоиз йўқотишларга сабаб бўлади. Бу кўрсаткич ташқи омиллар бўйича бор йўғи 33 фоизни ташкил этади. Ички омилларга таъминотнинг етишмаслиги 22 фоизни, ссуда буюртмасини ўрганишда ахборотнинг нотўғри баҳоланиши 21 фоизни, операция назоратининг заифлиги, ҳамда дастлабки огоҳлантирувчи белгиларни ўз вақтида аниқланмаслиги ва улар юзасидан тегишли чораларнинг кўрмаслиги 18 фоизни, гаров таъминоти сифатининг пастлиги 5 фоизни, шартномада кўрсатилган таъминотни олиш имкониятининг йўқлиги 1 фоизни ташкил этган. Ташқи омилларга эса компаниянинг банкрот бўлиши 12 фоизни, корхона молиявий назоратининг кучсизлиги 11 фоизни, компаниянинг бозорда ўз ўрнини йўқотиши ва ички ижтимоий муаммолар 6 фоизни, ўғирлик, муттаҳамлик 4 фоизни жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра ташкил этган<sup>1</sup>.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида, хусусан, Фарбий Европа давлатларининг банк кредитлаш амалиётида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалар ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий микдори 5 фоизни ташкил қилади.

Гаров банк кредитининг асосий таъминоти сифатида кредит таваккалчилигини пасайтириш ва банкка кредит бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Албатта, бу ўз-ўзидан банк гаров таъминотини баҳолаш заруриятини келтириб чиқаради. Эътироф этиш жоизки, бу борада хорижий мамлакатларда узоқ йиллар давомида етарли тажриба, усул ва тамойиллар шаклланган.

## 2-жадвал

### АТБ Ўзсаноатқурилишбанкнинг кредит ва лизинг бўйича гаров таъминоти тўғрисида маълумот<sup>2</sup>, % да

№	Иқтисодий тармоқлар ва бўйича таъминот турлари	Таъминот турлари жами	шу жумладан												
			Депозитлар	Ўзбекистон Республикаси	Транспорт воситалари	Инвентуръ	Кўчмас мулк	Асбоб-ускуналар	Облигациялар	Активлар	Учинчи шахс	Учинчи шахс кафиллиги	Сугурга полиси	Таъминламага	Бошқа таъминот
1	Жисмоний шахслар	6,1	0	0	1,1	0	2,9	0	0	0	0	1,9	0,2	0	0
2	Давлат корхоналари	72	0	47,3	0	0,1	5,9	6,1	0	2,1	0	10,2	0	0	0,3
3	Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар	5,7	0	0	0	0,2	4,1	0,8	0	0	0	0,5	0,1	0	0

<sup>1</sup> www.worldbank.org

<sup>2</sup> АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари.



4	Хусусий корхоналар	14,7	0,1	0	0,6	0,1	9,3	0,4	0	0	0	3,9	0,2	0	0,1
5	Фермер хўжаликлари	0,6	0	0	0	0	0,6	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Бошқа банклар	0,1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0,1
7	Марказий банк	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
8	Ҳукумат	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Нобанк кредит ташкилотлари	0,1	0	0	0,1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Нодавлат но-тижорат ташкилотлар	0,5	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0,2	0,3	0	0
11	Бюджет ташкилотлари	0,2	0,2	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Бошқалар	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
13	Жами кредит ва лизинг бўйича таъминот	100	0,3	47,3	1,8	0,4	22,8	7,3	0	2,1	0	16,7	0,8	0	0,5

#### **Манба: муаллиф томонидан тузилди.**

Хориж амалиётида кредит учун қўйилаётган гаров таъминотини баҳолашда унинг ликвидлиги, бозор баҳоси, бозор конъюктурасини ўзгариши натижасида сотиш имконияти ҳамда инвестицион жозибдорлигига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, кредит олувчи юридик ёки жисмоний шахс банкни танлаганидан сўнг гаровга қўяётган таъминотни баҳолаш жараёнини амалга оширади. Чунки, банкларнинг кредитлаш сиёсати ва гаров таъминотини баҳолашга қўяётган талаблари бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Бундан ташқари, кредитловчи банк кредит олиш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни қўриб чиқиши жараёнида қўшимча маълумотлар зарур бўлиши ёки баҳолаш бўйича тайёрланган ҳулосанинг долзарблиги йўқолиши мумкин.

Хориж амалиётида банк кредит таъминотини баҳолашнинг белгилаб қўйилган аниқ тамойиллари жорий этилмаган. Бироқ, гаров таъминотини баҳолаш жараёнига эътибор берадиган айрим тамойиллар мавжудки, банк кредитини олиш учун баҳоланаётган гаров таъминоти мазкур тамойилларга жавоб бермаган ҳолларда банк кредит шартномаасини имзоламайди. Хусусан, баҳолаш жараёнида қуйидаги асосий тамойиллар бажарилиши мақсадга мувофиқ:

- баҳоланаётган объект кредитнинг асосий гарови сифатида ҳуқуқий ва жисмоний жиҳатдан нейтраллигини таъминланганлиги;
- баҳолаш жараёнида объектнинг ликвидлигига таъсир этувчи барча омилларнинг инобатга олинганлиги;
- гаров таъминотини сотишнинг бир неча вариантларининг мавжудлиги;
- баҳоланаётган объектнинг баҳосига таъсир этиши мумкин бўлган ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий вазиятлар ҳолисона баҳоланганлиги;

- баҳолаш жараёнида қўлланиладиган услублар ва ёндашувлар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва фарқлар консерватив ва юқори талаб асосида ёндошиш кабилар шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган тамойилларнинг бажарилмаслиги банк кредитлари бўйича гаров таъминоти ҳисобидан молиявий зарар кўриши ва уларнинг келгусидаги фаолиятини режалаштиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари халқаро баҳолаш амалиётида кредитлаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг талабларини ақс этирувчи алоҳида олинган (яъни, тавсиявий характерга эга бўлган) андозалар қўлланилади. Масалан, Россия банкларида гаров таъминотини баҳолаш амалиёти икки босқичда амалга оширилади:

*1-босқич.* Гаров объектининг бозор қийматини аниқлаш. Гаров таъминотининг бозор қийматини аниқлаш кредит шартномаси тузиладиган пайтда амалга оширилади.

*2-босқич.* Гаров объектларининг таъминот сифатидаги қийматини аниқлаш. Гаров қийматини аниқлаш гаров мулкнинг ликвидлиги, гаров дисконтлари, таваккалчиликлар ва бошқа бир қанча омиллар таъсирини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Россия қонунчилигида гаров қиймати тўғрисида аниқ кўрсатма берилмаган, шу сабабли Россия банкларида гаров қийматини аниқлашда банкларнинг ички тартиблари ва мустақил баҳоловчи компанияларнинг кўрсатмаларига асосланилади. Бунда асосий стратегия рискдан қочиш ва рискларни бошқариш ҳисобланади.

Ахборотлар очиклиги ҳамда бозорда талаб ва таклиф механизмларининг амал қилиши шароитида банк гаров таъминотининг бозор баҳосини аниқлаш унчалик қийин кечмайди. Халқаро амалиётда банк кредитининг гаров таъминотига қўйилган кўчмас мулкни баҳолашда унинг бозор баҳосини эмас, балки максимал даражада тезроқ сотиш имконини берувчи ликвид қийматидан фойдаланади. Хориж амалиётининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, банклар баҳолаш бозоридаги юқори рейтинг ва нуфузга эга бўлган, шунингдек, баҳолаш ҳисоботларига шубҳа уйғотмайдиган баҳоловчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Халқаро амалиётда банк кредитлари бўйича айланмадаги товарларни гаровга қўйиш кенг қўлланилади. Бундай ҳолатда компанияга товарларни сотиш бўйича чегара (санкция) жорий этилмаган бўлиши ҳамда корхона мустақил равишда товар, хом ашё, материаллар ва бошқа активларини сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур. Банк кредити бўйича компания товарларни гаровга қўйишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, компания томонидан сотилган товар ёки актив учун тўлов ҳақи келиб тушмаган бўлса, гаров рўйхатидан чиқарилади, сотиб олганлари эса ушбу товарларга компаниянинг эгалик ҳуқуқи берилган пайтдан бошлаб банк гарови сифатида қаралади. Бу жараёнда шундай шарт сақланиши зарурки, компания ихтиёридаги товар кредит шартномасида кўзда тутилган гаров суммасидан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, ликвидлиги кўзда тутилган даражадан ўзгармаслиги, яъни пасаймаслиги лозим.

### **Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси**

Мамлакатимиз тижорат банкларида ҳар бир потенциал мижоз таъминотига нисбатан кредит сифатини баҳолашда ягона ёндашувга эришиш мақсадида келтирилган рейтингга қўшимча равишда кредит таъминотининг ишончилигини аниқлашнинг балли тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун авваламбор кредитнинг қайтарилмаслик рискини ҳисоблаш механизми

таклиф қилинади. Бу кўрсаткич (Кр) ни кредит таъминотини (Кт) кредит миқдори (Км) га бўлиш йўли билан аниқлашимиз мумкин:

$$Kp = Kt / Km * 100\%$$

Кредитнинг қайтарилмаслик rischi асосида, биз кредит таъминоти сифатиغا қуйидагича рейтинг баҳоларни беришни таклиф қиламиз.

3-жадвал

Кредит таъминотининг сифатини баҳолаш мезонлари

Рейтинг баҳо (балл)	1	2	3	4	5
Кредитнинг қайтарилмаслик rischi	125 ва ундан юқори	100-125	80-99	60-79	60 дан паст
Кредит таъминотининг сифат даражаси	кучли	ўртача	қониқарли	хавфли	муаммоли
Кредит фоизининг муддатига нисбатан имтиёз	икки ойгача	Ўзгартиришсиз	Огоҳлант ириш	Муддатидан олдин қайтариш чорадарини кўриш	

**Манба:** муаллиф томонидан тузилди.

Ҳар бир мижоз кредит таъминоти rischi “125” ва ундан кам баллга баҳоланса, банкда кредит таъминоти бўйича riskни юзага келиш муаммоси борлигини кўрсатади. Бу эса банкда ўз вақтида чора кўрилмаса, risk даражасининг ошиб кетиши банк учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилишга асос бўлади. Бундай кредитлар фаолиятини тижорат банки назорат қилиб бориши, мажбурий таъминот талабларни ошириш каби чора-тадбирларни кўриши лозим.

Одатда банклар томонидан берилган кредитни гаров таъминоти ҳисобидан қоплашга манфаатдор эмаслар. Шу боис, берилган кредит ва унга ҳисобланган фоиз тўловларни пул тушумлари ҳисобидан сўндиришни маъқул кўради. Бунинг учун банк кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг муддати етиб келганда уни тўлаш нуқтаи назаридан қуйидаги класслар бўйича таснифлашни таклиф қиламиз (4-жадвал).

Масалан, ишлаб чиқариш компанияларида маблағнинг:70 фоизи асосий воситаларга жойлаштирилади, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган ташкилотларда ушбу активлар бор йўғи 10-15 фоизни ташкил этади Шунинг учун ҳар бир алоҳида олинган корхона бўйича гаров тури ва уларни баҳолаш тартиби банк ҳамда кредит олувчи ўртасида келишилади.

**Кредитнинг асосий суммаси ва ҳисобланган фоиз тўловларининг класслар бўйича таснифлаши**

Класс	Шартлари
<b>1-класс.</b>	Корхона барча кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини тушумлар ҳисобидан 1 ой ичида сўндиради.
<b>2-класс.</b>	Корхона барча кредит ва фоиз суммасини тўлашга 2 ой кетади.
<b>3-класс.</b>	Корхона кредит билан боғлиқ барча тўловларни амалга ошириш учун 3 ойлик тушумларни йўналтириши лозим бўлади.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари қисқа муддатли кредитлар учун хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни гаровга

кўпроқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Қисқа муддатга берилаётган кредитларнинг гаров таъминоти сифатида кўчмас мулкларни олиш маъқул эмас, кўчмас мулклар асосан, узоқ муддатли кредитларнинг гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

Савдо ва ишлаб чиқариш воситалари, техника, автотранспорт, инвентар ва бошқа ускуналар кредитларнинг гаров таъминоти сифатида олинганда, уларнинг баҳоси иккиламчи бозорда сотиладиган жиҳозларни ўрганиш орқали аниқланади. Бунда асосий эътибор жиҳозларнинг ликвид қийматига қаратилади. Жиҳозларнинг ликвид қиймати - бу ушбу буюмларни қисқа давр ичида сотиш мумкин бўлган баҳосидир. Одатда жиҳозларнинг ликвид баҳоси бозор баҳосидан 10-30 фоиз паст бўлади. Бундан ташқари, гаров таъминотини сотиш вақтида юз бериши мумкин бўлган баҳоси тўғридан-тўғри харажат усули орқали аниқланади Шу бўйича банк кредит бўйича гаров таъминотининг баҳоси аниқланади, одатда ушбу баҳо жорий баҳонинг 50-60 фоизини ташкил этади.

Кредит олувчи юқоридаги классларнинг биттасига тўғри келса, банк кредит шартномасини тузиш бўйича тегишли ишларни бошлайди. Банк кредит бўйича қабул қилаётган гаров тури кредит олаётган шахснинг фаолият йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлади.

Банкларда бериладиган ҳар бир кредит бошқаларига ўхшамаган алоҳида хусусиятларга эгадир. Шунинг учун ҳам муаммоли кредитларни қайтарилишини таъминлаш борасида ягона қонун ва қоидалар ишлаб чиқилмаган. Муаммоли кредитларни бартараф этиш бўйича банклар томонидан асосан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- кредит муддатини узайтириш (пролонгация) чораларини кўриш;
- қўшимча равишда таъминот талаб қилиш;
- гаров сифатида қўйилган мулк ёки учинчи шахснинг кафиллиги бўйича кредитни қайтариш чораларини кўриш;
- кредитини бошқа банкка сотиш;
- корхона раҳбариятига мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича консалтинг хизматларини таклиф этиш;
- корхонанинг бўш турган активлари, мол-мулкларини сотиш, дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган тақдирда уларни ундириш эвазига муаммони ҳал этиш ва бошқа тадбирлар.

### **Хулоса ва таклифлар**

Фикримизча мамлакатимиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларни муаммоли кредитларга айланмаслигини олдини олиш мақсадида юқоридаги таклифларга қўшимча қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- банкларга кредит учун келиб тушган аризага атрофлича ёндашув, яъни даслабки мониторингни тўғри ва мукамал амалга ошириш. Бу ерда биринчи навбатда миқдорнинг характери, унинг молиявий аҳволига, бизнес ҳамкорлари орасидаги мавқеига ҳамда ушбу соҳадаги тажрибасига асосий эътиборни қаратиш;

- кредит аризасини кўриб чиқилаётган даврда миқдор томонидан банкка такдим этаётган ҳужжатлар тўпламининг тўлиқлигини ва уларнинг тўғрилигини текшириш. Кредит бўлими ходими томонидан миқдорнинг молиявий аҳволи чуқур таҳлил этилиши ва ҳолисона баҳо берилиши зарур;

- кредит ажратилган даврдан бошлаб, миқдорнинг бизнес-режаси бўйича амалга ошираётган ишларини, ҳисобрақамидаги маблағлари айланмасини доимий равишда назорат қилиб бориш, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

- кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш ва эксплуатация шароитини доимий равишда назорат қилиб бориш;

- корхонанинг мол-мулкни баҳолашда банкнинг мулкни баҳолаш бўйича мутахассисига кўпроқ имкониятлар яратиб бериш. Чунки миждоз пуллик баҳолаш хизматидан фойдаланадиган бўлса, унинг кредит олгунга қадар қиладиган харажатлари ортиб кетади.

- ажратилган кредитларни устувор равишда аввал берилган кредитларнинг қайтиши ҳисобидан амалга ошириш;

- тижорат банкларида гаров таъминотини баҳолаш бўйича етарли даражада тажриба ва кўникмалар шаклланган бўлсада, баҳолаш бўйича қатъий белгилаб қўйилган тамойиллар мавжуд эмас. Асосий эътибор, гаров объектнинг ликвидлиги, бозор баҳоси, бозор конъюктурасини ўзгариши натижасида сотиш имконияти ҳамда инвестицион жозибadorлигига қаратиш лозим;

- гаров қийматини аниқдашга гаров бўйича жорий этиладиган дисконтлар, таваккалчиликлар ва бошқа бир қанча омиллар таъсири инобатга олиш керак;

- гаров тури кредит олаётган объектнинг фаолият йўналиши билан бевосита боғлиқлигига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарида асосий воситалар, савдо-сотиқ билан фаолияти билан шуғулланадиган ташкилотларда товар-моддий қимматликлар, жисмоний шахслардан кўчар ёки кўчмас мулклар, шунингдек, қимматли қоғозлар таъминот сифатида қабул қилинади;

- хориж амалиётдаги баҳолаш жараёнида қўлланиладиган ахборотларнинг очиқлиги ва шаффофлиги тажрибасини маҳаллий баҳолаш амалиётида кенгрок жорий этиш мақсадга мувофиқ;

- хорижий ва маҳаллий баҳоловчилар ўртасида амалий ва назарий ҳамкорликни қўлга қўйиш бунда халқаро конференция ва семинарларда иштирок этиш, амалий баҳолаш жараёнларида иштирок этиш кабилар шулар жумласидандир.

Юқорида таклиф этилган тавсиялар ва таклифларнинг барчасини амалга ошириш учун кредит бўлими ходимларидан қатъиятлилиқ ҳамда масъулиятни талаб этади. Барча амалларнинг ўз муддатида тўлиқ бажарилишигина тижорат банкларида кредитларнинг «муаммоли кредитлар»га айланишини олдини олиш имкониятлари вуждга келади деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Yang Yang. Does high-quality auditing decrease the use of collateral? Analysis from the perspective of lenders' self-protection // China Journal of Accounting Research 7 (2014) 203–221 [www.elsevier.com/locate/cjar](http://www.elsevier.com/locate/cjar)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоъсини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 4026-сон Қарори.

3. Управление деятельностью коммерческого банка(банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристъ, 2002, 456-б.

4. Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997, 192-б.

5. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002. 187 б.

6. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун автореферати. Т, 2006.

7. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 2696, 2015 йил 14 июль) Низоми.

8. Constantine Christofides, Ruth Gleeson, Allan Kearns and Rosanna Lynch Framework for enhanced modelling of collateralised lending // *Procedia Economics and Finance* 29 ( 2015 ) 183 – 194 [www.elsevier.com/locate/procedia](http://www.elsevier.com/locate/procedia)

9. José A. Castilloa, Andrés Mora-Valenciab, Javier Perotec. Moral hazard and default risk of SMEs with collateralized loans // *Finance Research Letters* 26 (2018) 95–99 [www.elsevier.com/locate/frl](http://www.elsevier.com/locate/frl)

10. Абдикаримова Д.Р. «Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари» PhD илмий даражаси олиш учун ёзган диссертация автореферати. –Т.: 2018, 61 бет.

11. Конференция «Управление залогами и проблемными активами: актуальные проблемы и тенденции» / Журнал “Имущественные отношения в РФ” № 5 (152) 2014 стр-103.

12. Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит –Москва. ЮНИТИ, 2000. - 329 с.

13. Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. С англ. –М.: Дело, 1997, 192 с.

14. Fraser D., Gup B., Kolari J. Commercial banking/ The Management of Risk.1995, 623р.

15. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/Под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И.Лаврушина. – М.: Юристъ, 2002, 456-б.

16. Пешанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. -М.: ИНФРА-М, 2001,33-б.

17. “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 2696, 2015 йил 14 июль) Низоми.

18. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Гаров тўғрисида”ги 614-И-сон Қонуни.

19. АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари.

20. International Valuation Standards, Eighth Edition, International Valuation Standards Committee, 2007. 23 p.

21. Лобанова Е.И. Оценка объектов арбитражного управления: Учебное пособие для слушателей курсов подготовки специалистов по арбитражному управлению, 5-е изд. перер. и доп. Новосибирск: НОУВПОСАФБД,2013.-386с.

22. Miller N. G., Jr. and Markosyan S. The academic roots and evolution of real estate appraisal // *Appraisal Journal*. April 2003.

23. Оценка для целей залога. теория, практика, рекомендации / М. А. Федотова [и др.]. — М.: Финансы и статистика, 2008. Стр. 125.

24. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. —Т.: Ўзбекистон, 2009.4-б.

25. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) (Жаҳон банкининг расмий веб-сайти).

26. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти).